Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи: 3 сўм.

1992 йил 15 сентябрь, сешанба № 181 (21.279).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ЙЎЛИ БОР

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Қабул пайти. Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзА).

●Хабар бериб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 11 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури (БМТТД) маъмурияти, БМТ Бош котиби ўринбосари жаноб Уильям Х. Дрейпер учинчи бошчилигидаги мазкур халқаро ташкилот ҳайъатини қабул қилди.

— Мен ҳурматли ва азиз меҳмонларни мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентда кўриш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман, — деди Президентимиз меҳмонларга мурожаат қилар экан. — Сизларнинг ёш мамлакатимизга ташрифингизни ўз вақтида қилинган сафар дейиш мумкин. Чунки ҳозирги мураккаб шароитда бундай ташрифлар катта аҳамиятга эга. Сиз, жаноби олийлари, калифорнияликсиз, — деди Президент Уильям Х. Дрейпер учинчига қарата. — Ўзбекистон билан Калифорниянинг иқлими бир-бирига ўхшаш. Бизларда нафақат иқлим жиҳатидан, балки бошқа соҳаларда ҳам умумийлик бор, десам муболаға бўлмас. Калифорния иқтисодиётда ҳам, сиёсатда ҳам муҳим мавқега эга.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида яхши муносабатлар ривожланаётганидан мамнунлик изҳор этилди. Яқинда Тошкентда тантанали равишда АҚШ элчихонаси очилди, куни кеча Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ишонч ёрлиғини топширди.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги вужудга келгани ва ёш мустақил мамлакатларнинг ривожланиш йўлларига эътибор қаратилди. Ҳар бир миллат, у катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир. Ҳудудий бутунлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш — бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дунёда тинчликни қарор топтиришда алоҳида мавқега эга экани таъкидланди. Бу нуфузли ташкилотнинг Ер курраси-нинг энг қалтис нуқталарида низоларни бартараф этиш йўлидаги фаолиятига юксак баҳо берилди. Шу ўринда БМТнинг янги аъзоси бўлган Ўзбекистон, унинг раҳбариятининг минтақада тинчлик ва осойишталикни барқарорлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини, изчиллик билан олиб бораётган одилона ташқи сиёсатини алоҳида кўрсатиш лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бир қанча муҳим масалалар: хусусийлаштириш, нарх-наво, кредит, банк тизими, кадрлар сиёсати, ишчи кучини шакллантириш ва бошқариш ишларида ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, шунингдек, табиатни муҳофаза этиш, Оролни қутқариш каби долзарб муаммолар хусусида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Дўстона суҳбат чоғида БМТ тараққиёт дастури билан Ўзбекистон ўртасида мумкин бўлган ҳамкорлик соҳалари, республиканинг мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг иқтисодий ва илмий-техникавий дастурларида иштирок этиши ҳамда БМТ (БМТД)нинг Тошкентда ваколатхонасини очиш масалалари тилга олинди.

Жаноб Уильям Х. Дрейпер учинчи мазкур халқаро ташкилот ҳайъатига кўрсатилган диққат-эътибор учун Президентга миннатдорчилик билдирди. У Ўзбекистонни ўзи танлаган мустақиллик йўлидан дадил бораверишида муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда БМТ тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ бўлими мудири Рейнхард Хелмке ҳамда бўлим масъул ходими Симона Петрова иштирок этдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
(ЎзА мухбири).

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ



Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини газетамизда эълон қилишни бугун якунламоқдамиз.

(Иккинчи ва учинчи бетларга қаранг).

САҲИФАЛАРДА:

1-бет:
● Аҳил ҳамжиҳат бўлсак, қўлни қўлга берсак, ҳар қандай фалокатнинг дами кесилиши муқаррар.

2-бет:
● Мухбиримиз бонг уради: даладагиси эмас — дастурхондагиси ҳисоб

3-бет:
● Қувасойда ҳоким ўзгарди... ёки Фарғона вилоятида кадрлар масаласига оид баъзи мулоҳазалар

4-бет:
● Масофа билмас пойгачилар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг мажлиси

● 11 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда Ўзбекистон ХДП Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида баён этилган қоидаларни кенг халқ оммасига тарғиб қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга махсус тарғибот гуруҳларини юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Партия ходимлари, олимлар, етакчи мутахассислар, адибларнинг халқ ўртасида оммавий чиқишларини ўтказадиган мазкур тарғиботчилик гуруҳлари олдига аниқ-равшан вазифалар қўйилди. Сиёсий ижроия қўмитаси бу учрашувларда «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида баён этилган қоидалар асосида фуқароларимизга республика Президентининг мустақил мамлакатимиз манфаатлари йўлида олиб бораётган кўп қирралі фаолияти тўғрисида батафсил гапириб бериш, айни вақтда навқирон давлатимизни мустаҳкамлаш, уни ҳозирги қийинчиликлардан олиб чиқиш ва равнақ топтириш борасида ўтказилаётган сиёсатнинг асосий йўналишлари нималардан иборат эканлигини тушунтириш катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Сиёсий ижроия қўмита «Ўзбекистон ХДП партия ҳужжатларини ёзиш ва партия билетларини топширишни уюштириш тўғрисида» илгари қабул қилган қарорининг бажарилишини муҳокама қилди. Шу йилнинг 1 сентябрига қадар Ўзбекистон ХДП жами аъзоларининг 25,6 фоизига партия билетлари топширилган. Наманган, Жиззах, Хоразм, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида бу иш яхши бормоқда. Ҳужжатларни топшириш аниқ ва уюшқоқлик билан ўтказилаяпти. Айни вақтда Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида партия ҳужжатларини ёзиш ва топшириш суст бормоқда. Айрим районларда эса ҳужжатларни тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилган. Жумладан, мажлисда Ўзбекистон ХДП Асака, Нуробод, Термиз ва Паркент район кенгашлари биринчи котиблари Б. Юсупов, П. Мустафоев, Ш. Эргашев, Ҳ. Эрматовларнинг партия ҳужжатларини ёзиш ва партия билетларини топширишни уюштириш юзасидан илгари қабул қилинган қарорнинг бажарилиши бўйича ҳисоботи тингланди. Ушбу район кенгашларининг бу муҳим тадбирни уюштириш бўйича фаолияти қониқарсиз, деб топилди.

Шу муносабат билан Сиёсий ижория қўмита вилоят партия ташкилотларининг эътиборини партия ҳужжатларини ёзиш ва топшириш юзасидан назоратни кучайтиришга, бу ишга юзаки қараган район, шаҳар кенгашлари котиблари, партия ходимларига тегишли чоралар кўриш зарурлигига қаратди.

Мажлисда «Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини ривожлантириш шароитида Ўзбекистон ХДП Наманган ва Сурхондарё вилоят кенгашларининг иши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан Наманган вилоят партия кенгаши биринчи котиби Б. А. Аҳадов ва Сурхондарё вилоят партия кенгаши иккинчи котиби Ҳ. Э. Эрматов ахборот бердилар. Ушбу вилоят партия кенгашларининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ривожлантириш бўйича иши ижобий баҳоланиб, улар тўплаган муайян тажрибаларни кенг ёйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари ва таниқли адибларнинг Мустақиллик кунининг бир йиллиги шарафига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда халқ билан ўтказилган учрашувлари якунларини кўриб чиқди. Марказий Кенгаш ташаббуси ва республика ёзувчилар ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбир жуда фойдали бўлганлиги таъкидланди ҳамда учрашув якунлари юзасидан таклифлар маъқулланди.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририяти фаолиятини кучайтириш, унинг тузилмасини такомиллаштириш ҳамда моддий-маънавий аҳволини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси (Асосий қонуни) лойиҳаси бўйича фикрлар кўриб чиқилди. Лойиҳа юзасидан мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳига юборишга қарор қилинди.

Шунингдек, Сиёсий ижроқўм мажлисда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси: муаммо ва истиқболлар»мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари, «Ўзбекистон Республикасида сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Сиёсий ижроия қўмитанинг мажлиси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов раислигида ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ПАРИЖ—МОСКВА—ПЕКИН ХАЛҚАРО АВТОМОБИЛЬ ПОЙГАСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

МУРОЖААТНОМА

Париж—Москва—Пекин қитъалараро автомобиль пойгасининг мард қатнашчиларини табриклайман. Жаҳон спорт тажрибасидаги бу мислсиз пойга айни давлатимиз Мустақиллиги куни бошланганлиги ва Ўзбекистон диёри бўйлаб ўтаётганлиги рамзий воқеадир.

Сизларнинг машаққатли ва қийин йўлингиз қадимий ва навқирон Ўзбекистон йўлларида осон бўлишига тилакдошман. Сизларга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик ва спортда юксак ютуқлар тилайман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 13 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш республиканинг маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлашчораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон аҳолиси кўп сонли маҳалла фаолларининг республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. «Маҳалла» жамғармасини рўйхатга олиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан белгилаб қўйилиши таъкидлансин.

3. Янги ташкил этилган жамғарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб асраш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимларга ва ёлғиз қолган қариялларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш ғояларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;

бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга кўмаклашиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ой ичида «Маҳалла» жамғармасини ташкил қилиш ва бу жамғарманинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шароитларни яратиш тадбирларини белгиловчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 12 сентябрь.

ТОЖИКИСТОН ДАРДИ—БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

Неъмат АМИНОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

РУҲЛАР ЧИРҚИРАМАСИН

ТАЪБИРНОМАЛАРДА «Тушда қон кўриш — ёруғлик» дейилади. Агар менга қолса қон туфайли ёруғликка сабаб бўлгувчи шу хил тушни ҳам бир умр кўрмасам дейман. Алҳазар! Бу қандай бедодликки, мусулмон ерида мусулмоннинг қонини мусулмон фарзандлари тўкса. Халқимизда «Қон тутади», «Қон қонни чақиради», «Қонга қон» деган нақллар бор. Тўғри. Ватанни, дин-у имонни ҳимоя қилиб тўкилган қонни, эҳтимол, озми, кўпми маънода муқаддас дейиш мумкиндир. Менга қолса қон тўкилишида умуман муқаддаслик, қутлуғликни кўрмайман. Чунки, бу дунёда энг улуғ ҳимоя, энг улуғ тадбир бу ақл-фаросат, инсоф ва диёнатдир. Ақл-фаросат, адолатли сўз чекинган жойда қиличлар, милтиқлар ишга тушади. Бундай пайтда кўзи қонга тўлган, жазаваси жунбушга келган кишиларга қилич-у милтиқ тутадиган ҳайбаракаллачилар ҳам топила қолади.

Сабабли, сабабсиз қон тўкилади. Бундай аросатда биринчи навбатда ҳимоясиз гўдаклар, оналар ва қарияларнинг қони тўкилади. Ноҳақ қон тўкилган ерда боболар руҳи чирқирайди, юрт харобага айланади, қочқинлар, ватангадолар кўпаяди. Бир томчи гўдак қони бамисоли уран ёки атом заррасидек бутун бошли тоғларни, замин-у замонларни ларзага солиши мумкин.

Қўшни Тожикистон ерида қон тўкилмоқда. Аслида тожик киму ўзбек ким? Бу икки халқ қони бир-қондош, жони бир — жондош. Бу икки халқ мен туғилиб ўсган Бухоройи шарифда шу қадар чатишиб кетганки, кўпчилик оилаларда икки тилда баравар гаплашилади. Келини ўзбек бўлса, қайнонаси тожик, қайнотаси ўзбек... Бу ерда гўдаклар ўзбек, тожик тилларида баравар тил чиқаришади.

Бизда азал-азалдан миллат суриштиридмаган. Миллат деганда дин тушунилган. «Миллатингиз ким?» деган саволга «Муслимман, алҳамдиллиллоҳ, мусулмонман» деган жавобни кўп эшитганман. Фақат тилимиз «ўзбек», «тожик», «қозоқ» ёки «қирғиз» дейилган, холос. «Миллат сўзи бизга ўктабир инқилобидан кейин ажратиш, парчалаш, гижгижлаш мақсадларида тўқиб чиқарилган. «Миллат» империянинг қуроли, империя доҳийлари ўйлаб топган занжир эмасмикин? Ахир, инқилобгача бизнинг минтақамиз кишилари миллатларга бўлиниб, ер талашиб, қон тўкмаган эдилар-ку? Тўғри, ўшанда ҳам ер талашишлар бўлган, лекин халқлар оратиқлолга эришдилар. Лекин бу истиқлол кимга— байрам, кимга —аза эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Куни кеча «Правда» газетасида «Гамсахурдия, Муталлибов, Набиев... навбатда ким?» деган сарлавҳани ўқидим. Сарлавҳани шу хил қўйишда ҳам бир мақсад, бир ғараз, бир таъна, қолаверса, бир таъма йўқ, деб ким айта олади?

Мустақилликка муяссар бўлдик. Тўғри, унга қон тўкмасдан эришдик. Бироқ, ана шу мустақилликни ҳимоя қилиш, уни асраб, камолотга етказишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун республикамиз фуқаросининг ҳар бири жон қуйдириши, аҳиллик, осойишталикни сақлаш учун қўлидан келган барча ишни қилиши керак.

Бизнинг асримиз, айниқса шу кунларда собиқ СССР ҳудудида мустақилликка эришган халқлар учун жуда эҳтиёткорликни, бир-бирига суяниб, қон тўкмасдан, ақл-фаросат билан иш кўришни талаб қилади. Оддийгина бир янглишиш катта ўпирилишга, ҳунрезликларга сабаб бўларкан.

Назаримда, Тожикистонда истиқлолнинг дастлабки қадамлариданоқ янглишилди. Ўз туғилган бешигида бўғиб, йўқ қилинган Коммунистик фирқа фақат мустақил Тожикистонда сақлаб қолинди. Ўзи туғул ҳатто номи ҳам ўзгартирилмади. Эҳтимол, бу собиқ «империячи» дўстлардан чиққан маслаҳатдир. Наҳотки, инсонлар шу қадар янглишишса? Хўп, янглишилди ҳам

(Давоми иккинчи бетда).

ХУНРЕЗЛИК ТЎХТАТИЛСИН, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНСИН!

ҲУКУМАТГА ДАХЛСИЗ МУСТАҚИЛ ТАШКИЛОТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВОҚЕАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН МУРОЖААТИ

Тожикистон фуқаролари, азиз дўстлар, ака-укалар, опа-сингиллар!

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари асрлар давомида бирга яшаб, биргаликда меҳнат қилиб келади. Анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик, дин бирлиги, маданият, турмуш ва урф-одатларнинг ўхшашлиги уларни бир-бирига маҳкам боғлаган. Бизнинг вазифаларимиз ҳам умумий — иқтисодиётни соғломлаштириш, уни одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондиришга қаратиш, чинакам мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсонни камол топтиришга ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат.

Сўнгги кунларда Тожикистон Республикасидаги вазият жуда кескинлашди. Қуролли тўқнашувлар натижасида қон тўкилмоқда, кўпдан-кўп бегуноҳ болалар, аёллар, қариялар, оддий фуқаро ҳалок бўлмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги ҳужжатларда ифода этилган инсон ҳуқуқларининг Тожикистонда қўпол равишда бузилаётгани можаронинг кучайишига олиб келди. Тожикистонда энг муқаддас нарса — инсоннинг яшаш ҳуқуқи топталмоқда. БМТ низомига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш барча ҳукуматлар ва халқларнинг муштарак бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг қардош тожик халқига мурожаатида шу диёрда тинчлик, фуқаролар тотувлиги ва барқарорлик тикланади, деб умид билдирилган.

Ҳукуматга дахлсиз мустақил ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий комитети:

— Тожикистонда бўлаётган воқеалардан ташвишланаётганини билдиради, бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлаётганидан беҳад қайғу чекмоқда;

— можаро қатнашчиларини ақл-идрок билан иш тутиб, сабр-бардошли бўлишга, музокара бошлаб, танқликдан чиқиш йўлларини излашга чақиради;

— Тожикистондаги вазият — чегараларнинг дахлсизлиги қоидаларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига сўзсиз риоя қилган, Тожикистон ҳудудидаги кам сонли миллатлар ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда, БМТ Низоми қоидалари асосида бартараф этилиши лозим деб билади;

— можарони қурол ишлатиш йўли билан ҳал этиш учун уринишга йўл қўйиб бўлмайди, бундай уринишлар беҳуда, деб ҳисоблайди;

— мухолиф томонларни можаро тагин ҳам авж олиб кетишига йўл қўймаслик учун бор кучини сарфлашга даъват этади;

— Тожикистондаги можарони бартараф этишга доир тинчлик ўрнатиш ишларига БМТнинг тегишли кучларини жалб этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий комитети тожик халқини ўзига хос донолик кўрсатишга ва сабр-бардошли бўлишга чақиради.

Юртингга тинч-осойишта бўлсин, азиз биродарлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИ

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

●АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

● ШАРОФ РАШИДОВ — ЧЎЛҚУВАРЛАР ҚАЛБИДА.

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

●ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ТЕЛЕВИЗОРЛАР БУХОРОДА ИИГИЛАДИ

ИСТИҚЛОЛ

асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан тутаташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоқлашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоқлашиб кетгандек бўлади. Шунинг учун ҳам халқ Ватандан йироқликни оғир қабул қилади, чунки унда ҳар бир қадрдон киши учун қайғурадиган умумий қалб бор.

Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, ал-Хоразмий, ибн Сино, Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир.

Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг,

(Давоми. Боши газетамизнинг 27, 28, 29 август, 3 ва 4, 5, 8, 9, 11, 12 сентябрь сонларида).

70.

давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради.

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оилага етиб бориши учун оиланинг моддий таъминланганлигидан қатъи назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас.

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Усиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади.

Бизнинг давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илғор жаҳон тажрибасини кенг жалб этади. Ва, энг аввало, бевосита Ўзбе-

71.

кистоннинг ўзида юқори сифатли таълим учун шароитлар яратади. X—XII ва XIV—XVI асрларда Мовароуннаҳр маданияти гуллаб-яшнаган даврда бу ердаги кўплаб шаҳарларда олий ўқув юртлари бўлиб, илмий марказлар ҳисобланар эди. Ҳозирги вақтда бу қутлуғ анъана тикланмоқда. Бизнинг халқимизнинг доимий фазилати бўлган ҳақиқатни билиш йўлидаги саботни фан, техника, технология, бошқарув ва информатикада эришилган жаҳон ютуқларини ўзлаштиришга йўналтириш керак бўлади. Фақат ана ўшандагина Ўзбекистон ўзининг барча бойликларининг чинакам эгаси ва ҳақиқий маданий давлат бўлади.

Инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил этади. Бизнинг кўламли ижтимоий-иқтисодий ниятларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлигидан келиб чиқади. Ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши унинг ўз давлатининг мустаҳкамланиши ва гуллаб-яшнаши учун шахсий ҳисса қўшишга тайёрлигидандир. Фақат мана шундагина фуқаро давлатнинг ишончли таянчига айланади.

Шахс имкониятлари бизда жуда чуқур ирсий асосларга эгадир. Республикамизда жаҳон фани ва техникаси, фалсафа ва ҳуқуқ ютуқларини эгаллаб олган ва шу билан бирга ўз халқига яқинликни сақлаб қолган кишилар жуда кўпдир. Бундай кишилар Ўзбекистоннинг XXI аср сари ташлаган қадамида бизларнинг кашшофларимиздир. Айнан

72.

ўшалар жамиятнинг энг ташаббускор негизини ташкил этади, бутун халққа ижобий таъсир кўрсатади, унинг ўз кучига ишонч бахш этади.

Ўтказилаётган ислоҳотлар республика фуқароларининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидойилигини намоён этишда уларга янги имкониятлар очиб беради. Тобора кўпроқ кишилар иқтисодий мустақиллик кўрсатмоқдалар, ўз кучлари, қобилиятлари ва билимларини фойдали суратда қўллаш йўлларини изламоқдалар. Ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини камол топтиришга бўлган интилиш инсоннинг ғурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради. Ҳар бир инсон ўзича такрорланмасдир. Жамият бу ўзига хосликни қўллаб-қувватлаб, сақлаб қолади, уни маданиятнинг янада баландроқ даражасига кўтарувчи янги фазилатларини мисқоллаб йиғади ва унга эга бўлади.

Каттаю кичик барча ҳаётий муаммоларни ҳал этишда пухталик, мулоҳазалилик бизнинг кишиларимизга хос хусусиятлардир. Бу — воҳалар ва чўлу саҳролар, Осиё маданий дунёси ишлаб чиқариш усулининг тажрибаси, Ислом фалсафаси, кўп миллатли жамият тажрибаси ва унга ташқаридан келтирилган инқилоблар тажрибасидир. Уларнинг барчаси кишиларга, янгиликка юз бураётганда аввал қўлга киритилганларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш имконини беради. Дастлаб янгини қуриш, уни амалда синаб кўриш, сўнгра эса эскини барбод қилмасдан синаб кўрилганларни янгича қўллаш лозимдир.

73.

ТОЖИКИСТОН ДАРДИ — БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

РУҲЛАР ЧИРҚИРАМАСИН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

дейлик, хом сут эмган бандамиз, лекин шу хатони зудлик билан бамаслаҳат тузатса бўларди-ку. Коммунистик фирқага қарши, ҳатто кўпгина араб давлатларида ҳам, тузилмаган «Ҳизби ислом» фирқаси тузилди. Бандайи ожизнинг фикрича, ҳар қандай фирқадан улуғ эътиқод. Исломни фирқага аралаштирмаслик керак. Чунки, исломни худонинг иноятн билан пайғамбаримиз нозил қилган бўлсалар, фирқани ҳар хил доҳий, доҳийча, хуллас бандалар тузганлар. Гуруҳлар кураши фирқалар курашига, қишлоқлар кураши шаҳарлар курашига, шаҳарлар кураши вилоятлар курашига айланиб кетди. Кураш жанга айланди, ўзаро жанглардан манфаатдор томонлар топилди. Ҳудудлар бузилди... Қон тўкилди. Одамлар жонидан, жигарбандидан айрила бошладилар...

Куни кеча Тожикистондан келган бир гуруҳ қочоқлар билан суҳбатлашдим.

— Ким кимни ўлдиряпти ўзи?

— Улар учун ҳамма баравар. Уларнинг миллати йўқ. Айтганига кўнмаса, тожикми, ўзбекми, деб қараб ўтиришмайди.

Қаранг, бу ерда миллат ҳам, дин-у диёнат ҳам бир чеккага суриб қўйилибди. Фақат кўзи конталаш, кийимига қон сачраган автомат кўтарган тўдалар бор. Қуролни эса уларга Тожикистон мустақиллигини кўра олмаган тарафлар топиб беради. Ана шундай пайтда ақлдонишда карвонбошилик қилган қадимий тожик халқининг зиёлилари бу ер бизники, бу шаҳар уларники демасдан, халқни сабр-қаноатга, ақл-фаросатга чорловчи ўзларига лойиқ гапни топиб айтишлари лозим.

Юқорида айтганимдек, биз — ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғизлар бир қориндан талашиб тушган эгизак фарзандларимиз. Жомий билан Навоий пир-у устозлиги бизга юз йиллар оша ўрнак бўлиб келяпти: Оти форсча «Ғулом» бўлган Ғафур Ғулом, оти ўзбекча «Турсун» бўлган Мирзо Турсунзода ва ўзбекча «улуғ» бўлган Сотим Улуғзодалар ҳамнафасу ҳамкор бўлганлар. Садриддин Айний билан Абдулла Қодирий ака-ука тутинганлар. Бу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бугунги кунда бизнинг Президентимиздан тортиб, оддий фуқаромизгача Тожикистон ғами-ташвиши билан банд. Бу Ўзбекистон Тожикистоннинг ички ишларига аралашяпти, деган сўз эмас. Шарқда қўшнинг тинч бўлса, сен тинч, деган гап бор. Қонли тўқнашувлар бошланганда тожикистонлик қочқинлар чегарадан Ўзбекистонга ўтказилмаганда айрим зиёлилар «Бу қанақаси, наҳотки, бева-бечораларга руҳсат берилмаса» дея айюҳаннос солишди. Баъзи қочқинлар йўлини топиб, Ўзбекистонга ўтиб олгач, улардан аҳволи ночорларига жой берилганда, яна бошқа бировлар: «Дод, Ўзбекистон Тожикистоннинг ички ишларига аралашяпти, бизнинг одамларимизни чақириб олишяпти» деган даъволарни қилишди.

Ҳолбуки, бизнинг тожик дўстларимизга ҳеч қандай даъвомиз йўқ. Жумладан, ер-сув даъвоси ҳам. Фақат қондошимиз, жондошимиз ўз уйида омон бўлсин. Уларда рўй берган хунрезлик эллик миллионлик минтақага тарқалмасин, дейиз. Чунки, хунрезлик энг юқумли касалдек тез тарқалиши мумкин.

Бундан минг йилча аввал тожик адабиётининг буюк алломаси Абу Абдулло Рўдакий:

Бўйи жўйи Мўлиён ояд жамс,
Ёди ёри меҳрибон ояд ҳамс,

— деб ёзган эканлар. Бунинг ўзбекча таржимаси тахминан қуйидагича:

Мўлиён наҳрин ҳиди кетмас димоғимдан мани,
Меҳрибон ёримнинг ёди ҳеч тарк этмас мани.

Келинг, дўстлар, дуо қилайлик, улуғ бобокалонимиз айтганларидек, қардош Тожикистон наҳрларида қон ўрнига хушбўй оби раҳматлар оқсин, у ердаги истиқлол учун курашаётган ёру дўстларимизнинг ёди бир умр бизни тарк этмасин.

Омин!

ДЎСТ ЮРАКДАН СЎЗЛАЙДИ

**Тожикистонда бўлаётган қонли воқеалар Оққўрғонда яшаб, меҳнат қилаётган барча миллат вакилларини ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Сабаби маълум — қўшнилармиз. Шаҳар ва районларимиз туташиб кетган. Шу боис, у ерда бўлган ёнғин тафти атрофга ҳам тарқалиши ва кўпдан-кўп қулфатлар келтириши ҳеч ким ўйлаб ўйлаб ҳам ўйлаб ўйлаб ҳеч ким ўйлаб ўйлаб ҳеч ким ўйлаб ўйлаб ҳеч ким

ДОРИЛФУНУНИ

Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади.

Халқнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши ҳар бир ўзбекистонлик учун муқаддас мазмун касб этаётган мустақил Ўзбекистоннинг янги давлат рамзларида ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шуҳратини оширади.

Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан

74.

насл-насаб обрўсини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларнинг номус-орига, чуқур эҳтиромга, инсоннинг шахсий виждонига, бурчга ва ўз сўзига содиқликка бориб тақалади. Қишиларимизнинг ватанпарварлиги ҳамма вақт севимли халқнинг шон-шарафи, қадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда ўз ифодасини топиб келди. Баъзида ҳаётда қийин вазиятлар бўлади, баъзан адолатсизлик ва ранжалам эзади, лекин жаҳл устида она-Ватанни, ватандошларни ҳақорат қилиш — бу бориб турган шаккокликдир. Буни халқ асло кечирмайди.

Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлилигига асослангандир. Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликка интиламиз.

Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг

75.

бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар якдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради.

Ўзбекистон халқи келажакка ишонч билан қарайди. У энг аввало ўз кучларига, ўзининг бой табиий, иқтисодий ресурсларига ишонади, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, бойлик ва маданиятга ўз йўли билан келади. Улуғ келажак — олдинда. Ва у бизнинг — Ўзбекистон фуқароларининг бахт-саодати йўлида олиб бораётган муштарак ишимизга куч-қувват, ғайрат бахш этади.

76.

«Ўзбекистон овози» таҳририятидан:

Ҳурматли газетхон! Мана, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб номланган рисоласини рўзномамиз саҳифаларида эълон қилишни тамомладик. Жуда кўплаб муштарийларнинг илтимосига кўра босилган бу китоб чуқур мазмунли, ғоят долзарб мавзуга бағишланганлиги билан ажралиб турадики, у муҳим иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, фалсафий ва маънавиятга хос муаммоларни ўзига қамраб олган. Унинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги бир йиллиги нишонланган кунларда дунё юзини кўрганлигида чуқур маънолиги бор.

Ҳозир жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республикани миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқиш зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли вазифадир. Айни вақтда яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг, келажак авлодларнинг тақдири ҳам ана шунга боғлиқ бўлади. Республикамиз мавжуд танг ҳолатларни қай даражада тезроқ бартараф этиши, яккаҳокимлик тизими иллатларини батамом тугатиши, ривожланган маърифатли давлатлар даражасига чиқиб олиши эзгу ниятимиздир. Газетхонларнинг ушбу китоб юзасидан билдираётган дастлабки фикр-мулоҳазаларида, биз рисолани ўқиб, республикамиз истиқболига доир саволларга жавоб топяпмиз, деб айтилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ушбу китоби ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. У босиб ўтган йўлимизга танқидий нуқтаи назардан назар ташлашга, яқин ва узоқ келажагимизни тасаввур қилишга, истиқбол режаларини белгилаб олишга ундайди. Шу боис таҳририят барча газетхонларни, жамиятшунос олимларни, зиёлиларни, халқ хўжалиги, маданият ва фан соҳаси кишиларини мазкур китоб ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашишга таклиф қилади. Келинг, азизлар, китоб мутолааси пайтида ва ундан кейин пайдо бўлган фикр-ўйларимизни, мушоҳадаларни биргаликда баҳам кўрайлик.

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.



● Бешариқ районидаги «Бешариқ» давлат хўжалиги аъзоси Охунжон Умматов бошлиқ бригада далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Ҳадемай йиғим-терим бошланади.

Штатсиз суратқаш мухбиримиз Т. МАҲКАМОВ бригада бошлиғининг қадрдон даласида суратга туширган.

МУАММОЛАР ҲАМКОРЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

● Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари тиббиёт олимларининг 1-ассамблеяси иш бошлади. Ушбу катта анжуманда тиббиёт илми соҳасида минтақада яқин келажакда ўрганилиши лозим бўлган асосий муаммолар тўғрисида маслаҳатлашиб олинади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг турмуш тарзи, овқатланиш одати, серфарзандлик хислатлари бир-бирига анча ўхшаш. Шу туфайли ларда учрайдиган, баъзан кенг тарқалган, касалликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ҳам бир хил Туркистон минтақасидаги мустақил республикаларда кўпгина тиббиёт олийгоҳлари, илмий-тадқиқот институтлари мавжуд. Уларда ишбилармон ҳамда тажрибали олимлар хизматда, илмий изланишлар учун тегишли шарт-шароитлар яратилган. Бундай имкониятларни ўзаро жипслаштириш, улар ёрдамида халқларимиз саломатлигини муҳофаза этишда тиббиёт илмини тараққий эттириш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кундаги тиббиёт амалиётининг талабларига кўра, минтақамизда аввало оналар ва болалар сиҳат-саломатлигини яхшилаш, айниқса, кенг тарқалган юқумли касалликларнинг олдини олиш, инсон экологияси каби йўналишларда фундаментал илмни ривожлантириш, улардан олинган натижалар асосида тегишли амалий чоралар кўриш тақозо этилмоқда. Айниқса, нафас олиш органларининг соматик хасталиклари, сил, жигар, ошқозон-ичак, буйрак ҳамда ўсимта касалликлари, аёллар ва болалар орасида тез учраб турадиган қамқонлик, вирусли гепатит, ирсият билан боғлиқ асоратларнинг келиб чиқиши олдини олиш ва даволаш, уларни ҳаётга татбиқ этиш тиббиёт илмининг долзарб масалалари бўлмоғи даркор.

Яна бир муҳим масала. Саломатлик заминида сифатли ва тўғри овқатланиш алоҳида ўрин эгаллайди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерли аҳолисининг асрлар оша шаклланиб келган овқатланиш одати, овқат маҳсулотлари туркуми мавжуд. Турли ёшдаги соғлом кишилар ва беморларнинг улардан тўғри фойдалана олишини таъминлаш ўта муҳим иш. У махсус илмга эга бўлиши керак. Қолаверса, шифокор олимларимиз, тиббиёт иши ташкилотчилари ҳукуматимизнинг халқни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш сиёсатига фаол кўмаклашишлари пайти келган.

Шу пайтга қадар тиббиёт илми заҳматкашлари, шифокорларимиз табобатнинг кўпгина тугунларини еча олишган. Лекин шифокор-олимларнинг ўзаро ҳамкорлик асосида олиб борадиган фаолияти минтақамиздаги мустақил давлатлар ҳукуматларининг тиббиёт соҳасига янада кўпроқ моддий ва маънавий эътиборда бўлишларини тақозо этади.

С. БАҲРОМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ҚУВАСОЙДА ҲОКИМ ЎЗГАРДИ

ЁКИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА КАДРЛАР МАСАЛАСИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Қувасой Фарғонанинг жанубидаги кичик бир шаҳар бўлсада, вилоят иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Бу ерда цемент комбинати, «Қувасойстекло» ишлаб чиқариш бирлашмаси, чинни буюмлари заводи, маиший химия заводи каби республика аҳамиятига молик нуфузли корхоналар бор. Шаҳарга қарашли саккизта йирик, ихтисослаштирилган боғдорчилик-сабзавотчилик хўжаликларида эса ўн минг тонналаб сархил ноз-неъматлар етиштирилади.

Барча саноат шаҳарлари сингари Қувасой ҳам кўп миллатли. 1989 йил воқеаларидан сўнг шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, кейинроқ эса шаҳар кенгашининг раиси бўлиб, Ўзбекистон халқ депутати Ш. Аҳмедов ишлади. Тан олиш керак, Аҳмедов шаҳарни қабул қилиб олган пайтда Қувасойда аҳвол жуда мураккаб эди. Экологик вазият ўта оғир, месхети туркларнинг кетиши оқибатида шаҳар корхоналарида минглаб иш ўринлари бўшаб қолганди. Эгасиз, қаровсиз қолган уйлар атрофида жиноятчи унсурлар хира пашшадай айланишарди. Шаҳарда тартиб ўрнатиш, ишлаб чиқаришни қайта маромига солиб юборишга озмунча машаққат билан эришилмади.

Аммо, шу йилнинг баҳорида, айниқса, ҳоким тайинланиши арафасида қувасойликларнинг бир қисми Ш. Аҳмедовнинг иш услубидан норози эканлиги маълум бўлди. Шаҳар кенгаши раисининг ҳоким бўлиб қолишидан хавотирланган гуруҳлар турли идораларга Аҳмедов устидан хатлар ёза бошлашди. Вилоят ҳокимлигининг кадрлар билан ишлаш бўлимида менга ўша пайтда Қувасойдан келган шундай номаларга тўла семиз папкани кўрсатишди. Уларнинг бирида Ш. Аҳмедов шаҳар хўжалигини барбод қилган қобилиятсиз раҳбар ва ҳатто ўғри-муттаҳамларнинг ҳомийси сифатида таърифланса, иккинчисида у раҳбар сифатида қўкларга кўтарилган ва унинг ишчанлиги хусусидаги мақтовлар орасида Қувасойга Аҳмедовдан бошқа ҳокимнинг ҳожати йўқлиги қистириб ўтилади. Яна бир мактубда эса Қувасой ҳокимлигини нон комбинати директори Т. Мирзажоновдан ўзга одам эплолмаслигини исботлашга уринишган, тўртинчи хатда бошқа номзоднинг таърифтавсифи... Ҳар бир хатнинг тагида ўнлаб имзолар — улар шаҳарнинг таниқли кишилари, обрўли фахрийлар, ёшлар намояндаларига тегишли. Боз устига ўша кунлари «Эрк»чилар ва уларга эргашган кишиларнинг бир гуруҳи вилоят ҳокимлиги биноси олдида рухсат этилмаган митинглар уюштира бошлашди. Улар кўтариб олган шиорлар Ш. Аҳмедовга қарши эди.

Шаҳар ҳокимлиги курсиси учун курашаётган гуруҳлар вазиятни кескинлаштириб юбордилар. Мана шу қалтис ҳолатда Қувасойга ҳоким танлаш масаласига етти эмас, етмиш ўлчаб ёндошувни тақоза этардики, бўлғуси ҳоким шаҳардаги сиёсий-маънавий муҳитни мусаффолашга қобил, босиқ, иродали, тадбиркор, ҳар томонлама етук шахс бўлсин! Хўш, кадр ана шу мезонларга мувофиқ танландими? Ҳар ҳолда 9 март куни Қувасой шаҳар Кенгашининг сессиясида ҳоким номи эълон қилингач, депутатлардан бирор киши ҳам норозилик билдирмади. Сессия ўтаётган бино олдида тўпланган ўнларча кишилар эса бу хабарни эшитиб хурсандлигини яширолмади...

Қувасой ҳокими этиб тайинланган Убайдулло Отабоев «Қувасойстекло» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 1970-йиллари эса анча муддат шу шаҳар ижроқоми раисининг ўринбосари бўлиб ҳам ишлаган эди. Отабоев тажрибали раҳбар, оддий ғишт заводидан йилига 75 миллион дона пишиқ ғишт, 300 миллион дона шиша идишлар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлайдиган йирик ишлаб чиқариш бирлашмасини барпо эта олган одам. Хуллас, кадр муваффақиятли танлангандек эди.

Бироқ, кўпдан-кўп гувоҳларнинг айтишича, Отабоев ҳоким лавозимини жуда ҳам ҳоҳлаб қабул қилмаган.

— Очиғини айтганда унинг ҳокимликка унча хуши йўқ эди. Ҳатто сессия олдидан тоби қочиб, сессия муддатини суришга ҳам тўғри келган, — дейди вилоят ҳокимлиги кадрлар билан ишлаш бўлими мудири Б. Фармонов.

— Ҳокимликка Отабоевни ким тавсия этган?

— Талабномалар бўлган, халқ сўраган...

Қувасой шаҳри ҳокими сифатида У. Отабоев 133 кун ишлади. 20 июнда дастлабки истеъфо ҳақидаги телеграммани вилоятга юборган бўлса, 22 июлда ариза ёзди ва ишга чиқмай қўя қолди. Ҳоким ва унга хайрихоҳ кишилар шаҳарда кенг кўламли, узоқни кўзлаб бошланган ишлар собиқ амалдорлар ва савдо мафиясининг қаршилигига дуч келди, улар ҳокимга ишлаш учун имкон бермадилар, деб ҳисоблашади.

Дарҳақиқат У. Отабоев ҳоким бўлгач, бошқарувни такомиллаштиришга оид бир қатор янгиликлар жорий этила бошланди. Масалан, ҳоким ташаббуси билан шаҳарда фавқулодда бюджет ташкил этилди.

Шаҳар ҳудудидаги барча корхоналар ўз даромадларининг бир фоизи миқдоридаги маблағни шу бюджетга ўтказишарди. Ундан эса социал тадбирлар ўтказишда фойдаланиш кўзланган эди. Қувасойда экологик вазият тиғизлиги боис фавқулодда маъмурий комиссия тузилди. Ушбу комиссияга шаҳарнинг санитария аҳволини назорат қилиш, озодликка путур етказаётган корхоналарга катта миқдорда жарималар солиш ваколоти берилганди.

Шаҳардаги элликдан ортиқ турли кичик корхона ва кооперативлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида ҳоким махсус эксперт комиссияси туздирди. Бу комиссия кичик корхоналар аввало иккиламчи хом ашё ҳисобига ишлашини, улар фаолиятида тижорат эмас, балки маҳсулот ишлаб чиқариш устивор бўлишини, аҳолига пулли маиший хизмат кўрсатишни кўпайтиришни, экологияни бузмаслигини талаб қилди.

Кўриб турибсизки, ҳокимнинг режалари чакки эмас. Тўғри, кичик корхоналарга қўйилган талаблар бозор иқтисодиёти шароитларида уларнинг қонуний эркинлигини бироз чеклаши мумкин эди. Бу ҳол кейинчалик У. Отабоевнинг республика телевидениесида танқид қилинишига ҳам асос бўлди.

Бу ажойиб, дадил режаларни амалга ошириш учун енг шимариб, қайноқ қалб билан ишга шўнғимоқ лозим эди. Афсуски, Қувасойда яна нотинчлик бошланди. «Эрк» партияси вакиллари ҳокимнинг истеъфосини талаб этиб, кўчага чиқишди. Ҳали сайланганига уч ой ҳам бўлмаган ҳокимдан митингбозлар нимани талаб қилишди? Ҳолбуки, дастлабки кунлари Қувасой ҳокими ва «Эрк»чилар орасидаги муносабат ниҳоятда тиғиз эмас эди. Отабоев ҳоким бўлгач, Қувасой ҳокимлигининг дастлабки қарорларидан бири «Ўзбекистон Республикаси «Эрк» демократик партиясининг Қувасой шаҳар ташкилотига шароит яратиб бериш тўғрисида» деб номланганлиги бежиз эмас...

Юзаки қараганда митингларда гўё адолат талаб этилган: «Эрк»чилар дастлаб Мирзаев деган йигит ноҳақ қамалган, уни озод этиш керак, деб чиқишди. Бошқа сафар эса А. Икромов номли давлат хўжалигида бир ишчининг бевақт ўлими ҳақидаги ҳар хил гап-сўзлар яна бир митингга баҳона бўлди. Аммо, аҳолининг бир қисми митингчиларнинг «Ҳоким ё ҳокимлик қилсин ёки директорлик!», деган талабига қўшилган эди. Чунки У. Отабоев ҳокимлик билан бирга корхона директорлиги вазифасини ҳам бажаришда давом этаётганди. У ҳоким сифатида маош олмас, халқ назарида ҳокимлик фахрий лавозимдай бўлиб туюлиб қолган эди. Албатта, бир одам ҳеч қачон икки қайиқда суза олмайди. Бу оддий ҳақиқат. У. Отабоев эса икки ярим минг киши ишлайдиган меҳнат жамоасини бошқарар, корхонада бу пайтда қўшимча қувватлар ишга туширилиши арафасида эди.

— Ўзбекистон халқ хўжалигига қўшимча 350 миллион дона шиша идиш, 10 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси, автомобиль ва мебель ойналари етказиб берадиган қувватларни ишга тушириш арафасида меҳнат жамоасини ташлаб кетишга ўзимда маънавий ҳуқуқ сезмадим, — дейди У. Отабоев. Ҳаётининг ўн икки йилини шу корхонага бағишлаган директорнинг ҳақли туйғуси бу! Аммо, 60 минг кишилик йирик саноат шаҳри тақдири-чи?..

Отабоев эски одати бўйича эрталаб ишни корхонага боришдан бошларди. Ҳокимликка иши тушган фуқаролар, корхона ва хўжаликлар раҳбарлари сарсон бўлиб, эрталабдан ҳокимни ахтаришар, «Қувасойстекло» бирлашмасига борганларни эса хушёр кўриқчилар ичкарига қўйишмас, негаки ҳоким — директор бу пайтда цехларни айланаётган бўларди. Отабоев кўпинча корхонада банд бўлиб қолар, ўринбосарлари тиғиз масалаларни ҳал эта олишмас, натижада ҳокимликнинг бошқарувида иш мароми бирмунча издан чиққан эди.

— Аҳвол шу даражага етдики,— дейди вилоят ҳокими ўринбосари М. Маҳмудов — энг зарур масалаларда ҳам у кишини топа олмай қолардик. А. Икромов номли давлат хўжалиги директори масаласи кўтарилиб, хўжаликда келишмовчилик, гуруҳбозлик бошланди. Ишчилар Қувасой шаҳар ҳокимлигига ҳам боришган экан. Мен ва вилоят ҳокимининг яна бир ўринбосари Қ. Салоҳиддинов иккала тараф даъволарини ўрганиб чиқиш комиссияси иши якунларига бағишланган йиғилишга бордик. Йиғилиш А. Икромов номли давлат хўжалигида бўлди. Аммо шаҳар ҳокими бу ўта муҳим йиғилишга келмади. Ҳатто якуний хулоса ҳақида телефон орқали ҳам биздан сўрамади!

Охир-оқибат Отабоев ҳокимликдан истеъфо берди ва ишдан кетди. Тажрибали хўжалик ходимида, афсуски, кенг кўламда раҳбарлик санъати етишмаслиги маълум бўлди. У. Отабоевнинг ҳокимликдан кетиши воқеаларига батафсил тўхташимизнинг боиси бор. Зеро бу ҳодиса вилоятда кейинги йилларда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйиш борасида йўл қўйилаётган хатоларнинг кичик бир кўринишидир. Кадрлар соҳасида йўл қўйилган ишкалликлар вилоятда истаганча топилади. Ўтган йили Қўқон шаҳар Кенгаши раисини ишдан олиб ташлаш воқеаси қанча шов-шувга сабаб бўлди! Ахир туппа-тузук ишлаб чиқариш ташкилотчиларидан бирини, албатта, шаҳарга бош қилиш шартмиди? Яхшими-ёмонми, Қўқон ёғ-мой комбинатининг собиқ директори Ю. Ёқубов шаҳарга бош бўлгунга қадар тадбиркор корхона раҳбари сифатида собиқ Иттифоқда донг таратган одам эди. Шаҳар мутасаддилиги унга оғирлик қилган бўлса бордир, аммо мана шу аччиқ тажриба У. Отабоевни ҳокимликка зўрлагандай олиб борган кишиларга нега сабоқ бўлмадийкан? Худди ўша Қувасой шаҳрида кейинги тўрт-беш ой ичида ҳоким ва унинг ўн ўринбосари алмаштирилганлиги кадрлар сиёсатидаги катта ишкаллик эмасми? Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида вилоят ички ишлар бошқармасида икки бошлиқ ўзгарди, кейинги ойларда бошқармага бошлиқ ҳам тайинлангани йўқ. Фарғона давлат дорилфунунидай улкан билим даргоҳи неча ойдирки вақтинча ректор раҳбарлигида ишламоқда.

Баъзан эса масъулиятли раҳбарлик лавозимига кадр танлашда беҳуда шошма-шошарликка ҳам йўл қўйилмоқда. Фикримизни далиллаймиз: «Риштон» давлат хўжалигининг директори Ғ. Мамажонов устидан турли ёзишмалар бўлиб турган пайтда у Риштон район ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. Демак ёзишмалар асоссиз, ғаламисларнинг ғиғвоси эканда, деган хулоса келишингиз мумкин. Аммо далиллар бунинг аксини кўрсатади. Маълум бўлишича собиқ директор унчалик бенуқсон эмас экан. Масалан, ўтган йили у ўз ўғли номига фермер хўжалиги ташкил этади ва унга давлат хўжалигининг 20 бош наслли новвосларини давлат харид нархида сотиб олиб беради. Холбуки, ўша пайтда давлат хўжалигида қорамоллар бош сонини кўпайтириш режаси бажарилмай турган эди. Фермер ўғил қураётган молхонага директор ота билибми-билмайми, давлат хўжалиги ҳисобидан 1733 сўм тўлаб юборган. Район агросаноат уюшмаси илғор ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш учун ажратган видеомагнитофонларни бемаслаҳат тарқатгани етмагандай, киномеханик А. Сиддиқов номига олинган видеокамерани Ғ. Мамажонов уялмайнетмай ўз уйига олиб кетган.

Давлат хўжалигининг енгил машинаси ёқмай қолди шекилли, Мамажонов давлат машинасини «Тойота» қилиб олди. Унинг шоли, пиёз етиштирадиган ижарачи звенолар ишини етарли назорат қилмаганлиги оқибатида давлат хўжалиги катта миқдорда моддий зарар кўрган. Нақотки, Риштон районида ҳокимнинг биринчи ўринбосари лавозимига мана шундай «фазилатлари» бор кадрдан бошқа лойиқ одам топилмаган бўлса?! Ғ. Мамажонов ҳозир ҳам ҳоким ўринбосари, юқоридаги «хато ва камчиликлари» учун эса қатиқ огоҳлантириш олган.

Бир салоҳиятли, қобил, ташаббускор кадр камида йигирма йилда вояга етиши табиий. Улар халқнинг мулкидир. Ўзбекистонда мустақилликка эришиб, ўз йўлини излаётган пайтда иқтисодиётни танг аҳволдан чиқариб, истиқбол сари йўллашда бундай кадрларнинг баҳоси йўқ. Афсуски, айрим ҳолларда турли сабабларга кўра эгалланган лавозимлардан кетган кадрларнинг кейинги тақдири раҳбарларни қизиқтирмади. Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг собиқ бош директори Х. Низомиддинов икки йилча Марғилон шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, шаҳар Кенгашининг раиси бўлиб ишлади. Лавозимидан кетгач эса бу истеъдодли саноатчига ўз иқтидори ва ғайрат-шижоатига яраша иш топилди дея олмаймиз. Шу шаҳар ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган О. Асқаров мансабидан озод этилгач, ойлаб ишсиз юрди. Охунбобоев район кенгашининг собиқ раиси О. Алихоновнинг бевақт ўлимида шу кадр қадр-қимматини авайлашдек нозик ишга эътиборсизлик сабаб бўлмадимикан? Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаб катта тажриба тўплаган, халқнинг ҳурматига сазовор бўлган Аҳмадилла Рустамов, Дониёр Нурматов, Абдупатто Содиқов ва бошқа ўнлаб кадрлар камолот поёнига етган пайтда ўз иқтидорларига яраша иш билан таъминланмадилар. Албатта, ҳаёт ўзгарувчан, тўлқин кетидан тўлқин келади, аммо бой тажрибалардан келгуси тўлқинларни бахраманд этиш йўлларини изласа бўлади-ку...

Балки, ана шундай тақдирларни хаёлидан ўтказган У. Отабоев корхона директорлигидан воз кечишга журъат этмагандир? Ҳа, кадрлар масаласида майда-чуйда ҳолат бўлмайди. Айниқса, раҳбарликнинг якка бошқарув шакли бўлган ҳоким лавозимига номзод танлашда хушёр бўлиш — бўлғуси муваффақиятларимиз гаровидир.

Хокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, вилоят ва районлар миқёсидаги раҳбар кадрларнинг аксарияти Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Аммо, бошланғич партия ташкилотлари, район партия кенгашлари кадрлар сиёсатига деярли таъсир ўтказмаяпти. Бу соҳада ташаббусни қўлга олабилмаяпти. Айтайлик, ХДП Риштон район кенгаши нега ХДП аъзоси бўлган Ғ. Мамажоновнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама этмади, ўз вақтида тегишли партиявий чоралар кўрмади? Нима учун партия кенгашлари ижроия бюро мажлисларида ҳокимлар ва унинг ўринбосарлари партия аъзоси сифатида деярли ҳисоб бермаяптилар? Аксинча, кўпгина ҳокимлар ўзлари мансуб бўлган партияга аъзо эканликларини таъкидлашдан негадир тортинадилар, бюро мажлисларига камдан-кам қатнашадилар. Улар ҳоким ва партия аъзоси сифатида ХДПнинг дастурий мақсадлари ва Низоми талабларини ҳам бажаришлари лозимлигини унутганга ўхшайдилар.

Бир пайтлар республиканинг етук кадрлар ўчоғи саналган Фарғонада нега шундай бўляпти?..

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ЖИЗЗАХ

ОЛИС РАЙОНЛАРДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНАДИ

● ВИЛОЯТ соғлиқни сақлаш бўлимига ҳокимликнинг хайрия жамғармасидан 6 миллион сўм ажратилганди. Мутахассислар ушбу маблағга кўчма фельдшерлик, акушерлик пунктлари сотиб олиш керак, деган хулосага келдилар.

Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Фориш каби районларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммолар бор. Агар 47 та кўчма тиббий хона ташкил этилса, тарқоқ жойлашган, марказдан узоқда яшайдиган аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиб, мунтазам кўрикдан ўтказиб туриш мумкин бўлади. Шу кунларда «Мирзачўлқурилиш» трестининг бўлинмалари тиббий шохобчалар ўрнатиладиган жойларни электр, сув билан таъминлаш тадбирларини кўряпти.

Баҳриддин САТТОРОВ.

● ХОРАЗМ

НАФИС БУЮМЛАР ТАЙЁРЛАБ БЕРИЛАДИ

● УРГАНЧ шаҳрида «Хоразм нафис санъат мактаби» фаолият кўрсата бошлади.

Бу масканда таниқли шоир, рассом ва ҳунармандлар халқ амалий санъатининг йўқолиб бораётган турларини, анъаналарини қайта тиклаш, фуқароларнинг эстетик, маданий-маърифий савияларини ошириш сингари хайрли ишлар амалга оширилади.

— Мақсад, — дейди нафосат мактаби директори, шоир ва журналист Қудрат Бобожон, — вилоятнинг кўзга кўринган иқтидорли мисгарлари, кулоллари, ганч ва ёғоч ўймакорларини, рассом ва ҳайкалтарошларини уюштириш, санъат асарлари намуналаридан кўргазма бадиий салон ташкил этиш ҳамда уларни тижоратга чиқаришдан иборат. Шунингдек, фуқаролар ва ташкилотларга буюртмалар асосида турли манзаралар, портрет суратлар, ҳайкалтарошлик асарлари, мискарлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги буюмлари, бюстлар, корхоналар ҳамда муассасалар номлари битилган кўргазма тахталари ҳам тайёрлаб беришимиз мумкин.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

● НАМАНГАН

ТОШҚЎРҒОНДА ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

● КОСОНСОЙ азалдан ҳунарманд ва косиблар юрти бўлган. Атласнинг турли хил турлари ва бошқа маҳсулотлар ҳам илгаридан бу ерда тўқиб келинади.

Кейинчалик район марказида шойи тўқиш фабрикаси довруғ таратди. Айни пайтда бу ерда 20 хилга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда фабриканинг Тошқўрғон филиалида яна бир янги маҳсулот дунёга келди. Юсуфжон Дадахўжаев, Юнусхон Юсупов, Муҳаммадхон Ҳамзаевлар янги маҳсулот — паранг матосини тайёрлашни йўлга қўйишди. Паранг чиройли ва пишиқлиги билан харидорлар диққатини тортмоқда.

Абдуҳошим МАДАТОВ.

● САМАРҚАНД

САФАРГА ХОТИРЖАМ КЕТАВЕРАСИЗ

● АЙТАЙЛИК сиз оилангиз билан саёҳатга чиқаяпсиз. Бундай пайтда уйда қолдирган озми-кўпми жамғармангиз ва қимматбаҳо буюмлар тақдирини ўйлаб ҳавотирга тушишингиз тайин.

Боғишамол район марказий омонат банки ходимлари аҳолини ана шундай ҳавотирдан ҳоли этишди. Бу ерда «Семиз» деб номланган ускуна ўрнатилди. Бу восита зирхланган бўлиб, махсус калитлар билан очиладиган 42 та хонача бор. Сиз истаган пайтда улардан бирини сотиб олишингиз, жамғарма ва қимматбаҳо буюмларингизни қўйиб, калитни ўзингиз билан олиб кетишингиз мумкин. Дарвоқе, хизмат ҳақи ниҳоятда арзон — бир ойга бор-йўғи 25 сўм атрофида.

Фармон ТОШЕВ.

● «МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА

Онажонимни кутяпман... В. ПАНОВ олган сурат.

● *Спорт*

ФИШЕР-СПАССКИЙ 3:2

● АДРИАТИКА денгизидаги Авлиё Стефан оролини «Миллионерлар шаҳри» деб аташади. Эндиликда унинг янада шуҳрат топишига Фишер—Спасский матчи сабаб бўлди.

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАПЛАР · МУТАСАДДИ Мамажон МУҲИДДИНОВ · FIDE

МАТЧ иштирокчилари ўзига хос Низом асосида баҳс юритмоқдалар. Ҳафтада тўрт партия ўйнаб, уч кун дам олишяпти. Дастлабки 40 юришга 2 соатдан, сўнгра кейинги ҳар 20 юришга бир соатдан вақтга эга бўлган ҳарифлар ўйинни охирига етказишлари шарт, кечиктириш йўқ. Бу ҳар хил низоларга чек қўйиши муқаррар.

Фишернинг ўйинларини йигирма йил интиқлик билан кутган шахмат аҳли 2 сентябрдаги дастлабки беллашувдан зўр қаноат ҳосил қилди. Унда дабдабали комбинациялар қимматли бўлса-да, нафис юришлар мажмуаси оқибатида юз берган воқеалар оддий мухлису кўпни кўрган мутахассислари бефарқ қолдирмади. Қурбонга қурбон билан жавоб қайтариш, доналар ҳаракатини ўта мувофиқ ҳолда бошқариб туриш бобида устунликка эришиш иккала томоннинг ҳам асосий мақсади эди, албатта. Ташаббусни юриш сайин кучайтиришга муваффақ бўлган Фишер ниҳоят 50-юришга борганда рақибини таслим бўлишга мажбур этди. Бунинг учун салкам олти соат вақт кетди.

— Йигирма йиллик танаффус Фишерни кучайтирса кучайтирибдики, асло пасайтирмабди, — каби фикрлар тарқала бошлади шахмат оламида.

Иккинчи учрашувда ҳам америкалик гроссмейстер яққол устун вазиятга эришса-да, уни мантиқий якунига етказа олмади. Кейинги ўйинда эса мағлуб бўлишига бир баҳя қолди. Ҳа, испанча ўйинни талқин этиш ҳаракатида ноаниқликка йўл қўйган эди. Шундан кейин устма-уст икки бор мағлубият аламини тортди. Хўш, у кимга бой берди? Борис Спасскийга, «Темир Титран» номи билан машҳур шахмат оламининг фармонбардори бўлган Петросянни ютиб, унинг ўрнини эгаллаган жаҳоннинг ўнинчи чемпионига ютқазди. Спасский-ку, йигирма йил бурун ўз навбатида тахтни Фишерга бўшатган, унвонига «собиқ» деган сўзни қўшиб олган тождор. Аммо Фишер шу катта муҳлат давомида қуролини занг бостириб қўйган бўлса, Спасский яқин-яқингача маҳоратини чархлаб келди. Мана фарқ қаерда.

ОЛТИНЧИ партияда худди тўртинчисидагидек қабул қилинган фарзин гамбити ишга солинди. Қора доналарни сурган Фишер хиёл ўзгачароқ йўл тутди. Сипоҳларнинг зўри — фарзинлар эрта алмашиб кетсада кескинлик сусаймади. Ҳисобдан адашиш оқибатида америкалик чемпион бир пиёдасиз қолди. Аммо ҳарифи ундан фойдаланиш жараёнида тўғри режани тополмади. Оқибатда ҳисоб ўзгармай қолди.

Одатда нақд имкониятни бой берган томон анча тушкунликка тушиши ва аксинча «сувдан қуруқ чиққан» томоннинг эса кучига куч қўшилиши турган гап. Яна ўша 500 йиллик тарихга эга испанча партия қўлланган еттинчи учрашувда оқ доналарни ҳаракатга келтирган Фишер тўққизинчи юришда фарзини олдидаги пиёдасини одатдагидек икки хона эмас, атиги бир хона олға суриш билан чекланиб, бундан 50—60 йил илгари урф бўлган ўйин тизимини танлади. Спасскийнинг 216-юриши оқларнинг тагзамини пухта зарбаларига дучор бўлди. 27-юришга борганда у нақ икки пиёдасидан ажраб, 44-юришда қаршиликни тўхтатди. Ҳисоб тенглашиб қолди — 2:2.

Иштирокчиларнинг таймаут, яъни танаффус олиши ҳақидаги тахминлари тасдиқдан ўтганича йўқ, иккови ҳам ҳозирча «қизиган тандир»ни совитгилари келмаяпти. Саккизинчи учрашувда фарзин гамбити эмас, балки курашга кескинлик бахш этувчи эски ҳинд ҳимояси ишга солинди. Бу дебютнинг шохчалари талайгина. Оқ доналарни бошқарган Спасский немис, гроссмейстери Земиш амалга киритган ўйин тарзини танладики, бу одатда бутун тахта узра ҳушёрлик билан ҳаракат қилишни талаб этади. Бир зум бепарво қолган томоннинг бошида калтак синиши аниқ.

Қилич ва қалқонлар тобига келтирилган бу жанг атиги тўрт соат давом этиб 40-юришда Фишернинг ғалабаси билан якунланди. Энди ҳисоб унинг фойдасига 3:2 бўлиб қолди.

ҚОРАҚУМДА ПОЙГАЧИЛАР КАРВОНИ

● ПАРИЖ—МОСКВА — ПЕКИН автомобиль пойгаси қатнашчилари Қозоғистон чўллари орқали Туркманистон ҳудудига ўтдилар. Небиттоғда бироз тўхтаб, Қорақум уюмлари оралаб, йўлсизлик шароитида Бухорога кириб бордилар.

1 сентябрь куни бошланган катта пойганинг қарийб бир ой давом этиши кўзда тутилган. Улар 16 минг километр йўл босиб ўтадилар. 94 та енгил, 23 та юк машинаси, 18 та мотоциклдан иборат пойгачилар карвонида 15 мамлакат вакиллари қатнашмоқда. Пойгачилар Франция, Бельгия, Германия, Польша, Белорус, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой йўллари бўйлаб ўзаро мусобақалашадилар ҳамда машиналарнинг пишиқлигини турли шароитларда синовдан ўтказадилар. «Нива»ни бошқараётганлар кучли ўлликдан жой олиб туришган бўлса, «КАМАЗ» машиналари иккинчи ўринда бормоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учувчилари республикамиз ҳудудида катта пойганинг муваффақиятли ўтишида яқиндан ёрдам кўрсатишди. Халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янада яхшиланишида муҳим аҳамият касб этаётган «Аср пойгаси» карвони яна бир кундан кейин МДҲдан Хитойга ўтиб кетади.

«...НОМЛИ ҲАММОМ»

Кейинги пайтда жойларга ном қўйиш жуда катта мусобақага айланиб кетди. Ҳар хил кичик корхоналару, кооперативлар ва бошқа турли хил тижорат ишлари билан шуғулланувчилар аллома-ю улуғларнинг номларини ўзларича савоб йўлига «абадийлаштирмоқдалар». Фарғонага борсангиз шаҳарнинг марказида жойлашган ҳаммом бор. Қараб кўзларингизга ишонмайсиз. Унинг пештоқига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жўра Узоқов номли ҳаммом» деган каттакатта ёзувлар илиб қўйилган. Кўрганларнинг айримлари ҳайратини яширолмай қулиб қўйса, айримлари наҳотки, деб ажабланишмоқда.

Асло ўйламанг, Жўра Узоқовнинг хизматлари шубҳа остига олиниби деб. Йўқ, биз бу шубҳадан холимиз. Аммо лекин қадрият ва маънавиятимизга бир

ЛУҚМА

назар ташласангиз ҳаммомга кишининг номи берилиши уятлироқ туюлмоқда. Ўзи Фарғона вилоятида ном бериш жуда авжига чиқибди, шекилли. Қувада бир магазин бор. Унинг пештоқига «Тошматов Қурбонали» номли дўкон» ёзуви илиб қўйилган.

Бу «мусобақа» давом этаверса, «Фалончиев номли автобус», «Фалончиев номли самолёт», «Фалончиев номли қассобхона» ...гача бориб етишмасайди? Тўғри, кишилар номларини абадийлаштириш кўп жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади. Лекин айрим маиший хизмат шоҳобчалари борки, уларга кишиларнинг номларини берсак маънавиятимиздан путур кетади, холос...

Ўша ҳаммомга тушиб чиққанлар йўлда танишини кўриб қолиб, қаердан келаяпсан деган саволга, Узоқовнинг ҳаммомидан деб жавоб берса, қандай қулгули бўлишини бир тасаввур қилинг-а!

Бизнинг, номлаш бўйича иш олиб бораётган Фарғона вилоятидаги атамашунослар бу «янгилик»лардан бехабар қолганга ўхшайдилар.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ Жамғарма Банки

1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ

— 250, 500, 1000 сўм қийматидаги облигацияларда 20 йил муддатга чиқарилган.

1000 сўмлик облигация битта сериядаги икки рақамли иккита беш юз сўмлик облигациядан иборат, 250 сўмлик облигация эса беш юз сўмлик облигациянинг ярми ҳисобланади.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ЭРКИН СОТИЛМОҚДА ВА СОТИБ ОЛИНМОҚДА.

Жамғарма банки Сизнинг ҳоҳишингизга кўра облигацияларни сақлаб бериш учун қабул қилади ва облигациянгизга чиққан ютуқлар тўғрисида Сизни хабардор қилиб боради.

Облигацияларнинг бутлиги давлат томонидан кафолатланади!

Ютуқлар беш юз сўмлик облигацияга заём баҳосини ҳам қўшиб ҳисобланганда 250 000, 100 000, 50 000, 25 000, 10 000 5000, 2000 сўм миқдорида белгиланган.

2-ТИРАЖ — 1992 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА УРГАНЧ ШАҲРИДА

3-ТИРАЖ — 1992 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ

1993 ЙИЛДАН БОШЛАБ ҲАР ЙИЛИ НАВБАТДАГИ ТИРАЖЛАР ЙИЛНИНГ ҲАР ЧОРАГИДАГИ ОХИРГИ ОЙНИНГ 30-КУНИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

...ВА СИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА КУТАМИЗ!

БИЗНЕС — СЕРВИС

БИЗ СИЗНИНГ МЕҲМОНЛАРИНГИЗГА МЕЗБОНЛИКНИ ЎЗ ЗИММАМИЗГА ОЛАМИЗ.

«Амалий Ҳамкорлик» фирмаси серқуёш Ўзбекистонга бутун жаҳондан қадам ранжида этаётган бизнесменлар, менежерлар ва ишбилармон кишиларга мумкин қадар меҳмондўстлик ва эътибор кўрсатади. Фирма ихтиёрида биринчи тоифадаги «Туркистон» меҳмонхонаси мавжуд. Сиз бир, икки, ёки уч хонали номерга буюртма беришингиз мумкин.

Сизда транспорт муаммоси бўлмайди, дам олиш кунларида Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига сайёҳлик сафарлари Сизнинг измингиздадир. Оқшом пайтларида Халқлар дўстлиги саройининг кино-концерт залига, А. Навоий номидаги опера ва балет театрига томошаларга бориш мумкин.

Бизга мурожаат этсангиз, Сиз ҳокимият йўлакларида саргардон бўлишдан ўзингизни ҳоли қиласиз. Фирма республика давлат органлари ва ҳукумат вакиллари, шунингдек фирмалар, компаниялар, банклар ва ҳоказолар раҳбарлари билан учрашувларни ташкил этишни ўз зиммасига олади. Бундан ташқари «Амалий Ҳамкорлик» хорижга сайёҳлик ва амалий сафарларни ҳам ташкил этади.

БИЗ БИЛАН ЖАҲОННИНГ ЯРМИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛМОҚДА!

ҲАҚ ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА БИЛАН ТЎЛАНАДИ.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 2-уй.

Телефонлар: 45-03-67, 45-14-51.

Факс: 45-13-51.

СИЗ ЎЗ ЖАМҒАРМАНГИЗНИ ПУЛНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ҲОҲЛАЙСИЗМИ?

ИНВЕСТИЦИОН-БАНК ФИРМАСИ

Сизга бу борада энг қулай усулни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Овро-Осиё кредит жамияти акцияларига пулларингизни қўйинг!

Номинал — 5000 сўм.

Акциялар бўйича фойда йилига 40 фоиздан 80 фоизгача.

40 фоиз — бу кафолатли энг оз фойда.

Дивидентлар сўмларда ёки АҚШ долларида тўланади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент Шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 42, 5-02 хона.

Телефон: 32-75-02.

МАРҒИЛОН ТРАКТОР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

«КАМАЗ» автомашинаси моторига эҳтиёт қисмлар: (двигателига) 1000128, 1002011 дан 1009050 гача, 1011014 дан 1017350 гача, 1022820 дан 1029286 гача, 1104300 дан 1318174 гача группаларини

СОТАДИ

Манзилгоҳимиз: Марғилон шаҳри, Н. Холматова кўчаси, 174-уй.

ОҲАНГАРОН ЦЕМЕНТНИ ПАСТ ҲАРОРАТДА ҚУЙДИРИШ ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ ЗАВОДИ

СОТАДИ

М-400 маркали портландцементни аҳолига, ташкилот ва корхоналарга нақд пул тўлаш ҳамда пул ўтказиш йўли билан

Цемент вагонлар ва ёлланма машиналар орқали етказиб берилади.

Бир тонна портландцементнинг ҳозирги пайтдаги баҳоси солиқлар билан — 700 сўм. Шунингдек, 1993 йилда цементни етказиб бериш юзасидан буюртмалар қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: 702431, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Новая кўчаси, 1.

Телефонлар: 5-76-64, 5-59-36, 5-75-54.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигига қарашли

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

1992 йилда

05.12.02. Каналлар бўйича ахборот узатиш қурилмалари ва системалари;

05.12.14. Тармоқлар, алоқа тугунлари ва ахборот тақсимлаш;

05.12.17. Радиотехник ва телевизион системалар ва қурилмалар

мутахассисликлари бўйича кундузги ва сиртқи аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — эълон чиққандан сўнг 1 ой.

Имтиҳонлар 1 декабрдан ўтказилади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга жўнатилсин: 700089, Тошкент шаҳри, Амир-Темур кўчаси, 108-уй.

Маълумот учун телефонлар: 35-07-63, 35-77-76.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Тафтиш комиссияси мазкур комиссия аъзоси Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги қурилиши давлат қўмитаси раиси Т. Воймировга ўғли **Баҳодир БОЙМИРОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг Бадиий жамоалар дирекцияси «Дуторчи қизлар» дастасининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Ғ. Тошматовга ўғли **Музаффар ТОШМАТОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—21.00
Г—340 № 181. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.